

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 378:33(575.1)

МАДЯРОВА МУХЛИСА АБДУЛЛА ҚИЗИ

**“БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИ ПЕДАГОГЛАРДА КРЕАТИВ
ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ”**

**5A100001– “Касб таълими назарияси ва методикаси (иқтисодиёт)
мутахассислиги бўйича**

**магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: пс.ф.н., доцент Н.Н.Шомуротова

Тошкент – 2021


Ушбу диссертация ишида бўлгуси мутахассис кадрлар креатив фикрлашини ривожлантиришнинг педагогик-психологик усуллари, креатив фикрловчи мутахассисларни жамият тараққиётидаги тутган ўрни, мутахассис кадрлар креатив фикрлашини ривожлантиришнинг интерфаол ўқитиш асосланган таълим жараёнига боғлиқлигига эътибор қаратиш ҳақида сўз кетади. Бундан ташқари, касб таълими талабаларининг креатив фикрлашини ривожлантиришнинг самарали усуллари, креатив фикрлаш турлари, тарқиб мутахассис кадрлар креатив фикрлашларига қўйиладиган талаблар кўрсатиб берилади. Шунингдек диссертация ишида замонавий мутахассис кадрлар тайёрлашда креатив фикрлашнинг аҳамиятига эътибор қаратилади.

This dissertation focuses on pedagogical and psychological methods for developing creative thinking of future professionals, the role of creative thinking of professionals in the development of society, the dependence of the development of creative thinking of professionals on the educational process based on interactive learning. In addition, effective methods of developing creative thinking of students of vocational education, types of creative thinking, composition, requirements for creative thinking of professionals are indicated. The dissertation also focuses on the importance of creative thinking in the training of modern professionals.

Магистрлик диссертация иши “Инновацион таълим” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган 43 сонли баённома
« 16 » 06 2021 й.

Илмий раҳбар:	<u>Н.Н. Моммуратова</u>	<u></u>	_____
	ф.и.ш.	имзо	сана
Магистр:	<u>Назарова М</u>	<u></u>	_____
	ф.и.ш.	имзо	сана

“Ҳимояга рухсат этилади”

«Инновацион таълим» кафедраси муdiri
М.Ф.Ҳақимова 
2021 йил « 24 » 06

Ҳимоя Тошкент давлат иқтисодиёт университетида
2021 йил « 25 » 06 соат « 14 » да бўлади

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ.....	3
I Боб	МУТАХАССИС КАДРЛАР КРЕАТИВ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	13
1.1.	Креатив фикрлашни илмий-назарий ўрганилиши.....	13
1.2.	Тафаккур жараёни креатив фикрлашнинг асоси сифатида.....	35
1.3.	Креатив фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик- психологик жиҳатлари.....	43
	Биринчи боб бўйича хулоса	50
II Боб	МУТАХАССИС КАДРЛАР КРЕАТИВ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	52
2.1.	Мутахассис кадрлар креатив фикрлашларига қўйиладиган талаблар.....	52
2.2.	Мутахассис кадрларда креатив фикрлашнинг ривожлантириш услубиёти.....	58
2.3.	Бўлажак иқтисодчи педагогларда креатив фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик-психологик усуллари.....	70
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	76
III Боб	БЎЛАЖАК МУТАХАССИС КАДРЛАР КРЕАТИВ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ.....	79
3.1.	Рақамли иқтисодиёт факультети бўлғуси мутахассис кадрларининг креатив фикрлашини амалий ўрганиш.....	78
3.2.	Рақамли иқтисодиёт факультети талабалари креатив фикрлашларини амалий ўрганиш натижалари.....	82
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	89
	ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	90
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	92
	ИЛОВАЛАР.....	99

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.

Халқаро миқёсда бўлажак мутахассисларни инновацион тайёрлаш, замонавий таълимни амалга ошириш бўйича дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда бўлажак педагогларнинг касбий маҳорати мезонлари, инновацион таълим муҳитини яратиш муаммолари, халқаро таълим стандартлари талабларининг жорий қилинишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ўқитувчиларнинг педагогик креативлиги таркибини замонавий ахборот ва педагогик технологияларни таълим жараёнида муваффақиятли қўллаш, мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида кенгайтиришга қаратилган илмий изланишлар муҳим ўрин тутди.

Жаҳон таълим тизимида фан ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Россия, Англия, Жанубий Корея, Япония каби давлатларда юқори креатив фикрлашқа эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга ривожланишнинг асосий йўналиши сифатида қаралиб, таълимда инновацияларни, шу жумладан, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини кенг жорий этилиши таъминланмоқда. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларда назарий билимлардан педагогик амалиётда муваффақиятли фойдаланиш креатив фикрлашларини шакллантириш, педагогик фаолиятда ўз ташаббусларини рўёбга чиқаришга шароит яратувчи таълим муҳитини жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда илғор хорижий тажрибалар асосида узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи олий таълим тизимида замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишни таъминлашга